

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ТАСВИРИЙ САНЬАТ

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи Ҳазина бўлими илмий ходими:
Г.Назарова*

Узбек халки аждодлари тасвирий санъат сохаси ибтидоий жамият давридан бошлаб ажойиб асарлар яратганлигини археологик кашфиётларда тасдикланди. Республикализнинг жуда куп жойларида, айникса Бойсун, курама тог тизимлари, Самарканд теварагидаги тогларда топилган коя тошларга битилган ибтидоий расмлар узининг реаллиги, ранг - баранглиги билан хозиргача кишиларни хайратда колдиради. Айникса этник даврда яратилган турли хилдаги амалий безак санъати намуналари кадимий хоразмликлар, бактрияликлар, сугдиёнийлар, маргilonликларнинг юксак маданиятига эга эканлигини намоён килади. Амалий санъатнинг тарихий келиб чикишиэса инсониятнинг болалик даврига бориб такалади. Башарият улчайиб борган сари амалий. Санъат хам юксала борди. Яшаш учун кураш мавжуд экан, яхши. Яшаш учун эҳтиёж кучайиб бориш жараёнида кул меҳнатидан аклий меҳнат ажralиб чика бошлади. Ов қуроллари, уй-рузгор буюмларига булган эҳтиёж кучайиб борди. Аввало тош уймакорлиги, суяқ уймакорлиги... кейинчалик эса ёгоч уймакорлиги хам секин асталик билан уз ривожини топди.

Синфий жамият вужудга келиши билан эса ижтимоий тараккиётда катта узгаришлар булди. Бу эса фан ва санъат ривожида муҳим ахамият касб этди. Профессионал санъат ва санъаткорлар шу даврларда пайдо булди. Халкнинг турмуши, хулк ва одатлари, ютуқ ва маглубиятлари уларнинг асарларида узиғодасини топиб борди. Хар бир даврда мавжуд булган ана шундай санъат ва санъаткорлар хаёт гузалликларини тасвирлаб, одамларда юксак хислат ва

фазилатларини камол топтириб борди, уларни тенглик, озодлик, биродарлик ва ёркин келажакка интилиш йулидаги курашга даъват этди.

Археолик казиш ишлари натижасида Сурхон воҳасидаги Юмалок тепа тубидан топилган ёғоч уймакорлиги топилмалари мазкур жойларда, бир ярим минг йил мукаддам санъатнинг бу турини яхшигина ривож топганлигини олимларимиз уз изланишларини маҳсули сифатида исбот этиб беришди. Хали-хануз бундай ноёб топилмалар нафакат Сурхон воҳасида, балки Самарканд, Бухоро,Хива, Шахрисабз,Фаргона водийсидаги Сух ва бошқа кадимий шаҳар,кишлоклардан V-VI асиrlарга тегишли булган санъат асарлари топилмокда.

Самонийлар даврида амалий безак санъати,айникса кулолчилик, шишасозлик ва ёғоч уймакорлиги, ривожланди. Моментал меъморчиликка катта эътибор берилди, тураг жойлар, хунармандчилик устахоналарида, саройлар, маъмурий бинолар, савдо расталари, ҳаммомлар, мадрасалар курилди. курилишда асосан пишик гиштдан фойдаланилди, баъзан бино девори хом гиштдан, томи- гумбаз пишик гиштдан ишланди. Бинолар куркам ва чидамли булишига эътибор каратилди, бор илм ва кучларини сафарбар этди.

Самонийлар макбараси планидан тортиб, хажмий тузилишигача геометрик тартиб ва принцип асосида яратилганлиги аникланди. Макbara меморий геометрия ва математикадан чукур хабардор булганлиги шубҳасиздир, акс holda, у бунчалик гузаллик меёрини топалмасди. Эҳтимол тасодиф дерсиз . Йук тарих такозоси бу Алгебра фанига асос солиб, логарифм, алгоритм сузларига номи йугрилган Мухаммад Ҳоразмий (787-850) меъморчиликка таъсир курсатган мутафаккур олим Абу Наср Фаробий (870-950) амалий геометрия соҳасидаги рисолалари меморлар учун кулланма вазифасини утаган. Коинот буйича текшириш олиб борган, астрономия, геометрия ва тригонометрияга оид рисолалар муалифи Абу Райхон Берунийнинг меморчиликка хисса күшгани шубҳасиздир. Кузатишлар шуни курсатадики , архитектура билан бод амалий математика ва геометрия доимо меморлар эътиборида булган. (Зоҳидов .П.Ш. «Мемор санъати» Т., Г .Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 27- бет).

VII-VIII асиrlарнинг бошариға келиб күшк, кугонлар, шахарларга ибордатхоналар ва саройлар курилди. Бу даврда ёгоч ваганч уймакорлиги янада ривож топди, деворий расмлар ранг- баранг булишига эътибор каратилди, буни Афрасиёб, Варахша ва Юмолок тепа сингари маданий ёдгорликларимиз мисолида хам куришимиз мумкин. Бу каби санъат асарлари, сугдийлар маданияти бизга, уша даврларда жумхуриятимиз худидида яшаган халклар күшни халклар билан савдо- сотик олиб борган, бу эса бизга күшни халклар билан хам маданий алокада булган дейиш имконини беради.

Араблар VII-VIII асрларда ибодатхоналарни, тасвирий санъат асарларини йук килиб ташладилар. Натижада сал кам бир аср тушкунлик хукм сурди.

Араблар Урта Осиёни заб эткунлари кадар махаллий халк маъбудалари топилган. Хар бир хонодоннинг жамоада тутган урни ва бойлигига караб, уз маъбудаси (худоси) булган. Одатда бу маъбуда эшик тепасига куйилган. Хонодон сохиби мавриди билан ёгочдан уйилган янги маъбудани харид килиб, алмаштириб турган. Бундай жараён ёгоч уймакорлиги санъати камий булганлигидан далолат беради. Араблар истилоси окибатида тасвирий санъатнинг куп турлари катори ёгоч хайкаллар ишлаш хам бутқул бархам топди. Бирок Ислом дини бу санъатни таг-туғи билан йукота олмади. Ёгоч тарашловчи уста наккошлар уз санъатини ёгочда, дов- дарахтлар аксини ифодалаш, оддий чизиклардан мураккаб геометрик шакллар ясашда намойиш этдилар. Усталарнинг санъати ота- болага, авладдан- авлодга мерос булиб утаверади».

Ўрта осиёликларнинг мазкур аждодлари яратган ажойиб обидалар бизларгача етибгина колмай, уларнинг ишлаб чикариш анъаналари авлоддан- авлодга утиб мохир усталар томонидан ривожлантирилган. хозиргача сакланиб келган Узбек, тожик, туркман, киргиз, козок усталарининг ганч, ёгоч ва мармардан яратилган чиройли уймакорлик буюмлари. Накшли сопол идишлари, ранг -баранг тукимачилик ва каштачилик махсулотлари, мисгарлар ва заргарлар яратган ажойиб буюмлари ва безаклар умумий характерга эга булиб, хар бир этноснинг узига хос хусусиятларини хам намоён килади.

Хозиргача сакланиб келган амалий санъати соҳаларида ганч уймакорлиги кенг таркалган. Бу мураккаб ишларда жумҳуриятимиздаги ганчкор усталар ўз кучи, қуввати ва билимини аямади. Ўлар бухоролик ганч ўймакорлар — Ўста Ширин Муродов, Шоир Ибодов, Абдураҳим ҳаётов, самарқандлик Рашид Жалилов, Шамсиддин ғофуров, Абдурашид Жалилов, Акром Умаров, Мирҳомид Юнусов, Абдурайим Шермуҳамедов, тошкентлик Арслонқул Назаров, Тошпўлат Арслонқулов, Махмуд Усмонов, Ўсмон Икромов, хивалик Одамбой Ёқубов, Одамбой Бобожонов, Абдулла Болтаев, Рўзимат Машарипов, наманганлик Уста Мадалихон Хусанов, Уста Акбаров; Кўқонликлардан — Уста Саидакмад Маҳмудов, Муҳаммаджон ғосимов ва бошқа кўпгина камтарин ганч ўймакорлар ўз куч ва гайратларини аямадилар. Тарихий обидаларда топилган кадимги ганч уймакорлиги асосан хажми реалистик тасвиirlар билан ажралиб турди. Масалан, III-IV аср обидаси булиб тупрок кальянинг серҳашам сарой меҳмонхонларидағи уйма ганчли расмлар, уша даврга оид Варахша шаҳарчасида кашф этилган ганчга битилган усимликсимон накшлар, палбетта, бурттириб ишланган балик тасвирида уйилган ганч, геометрик шакллари, кушлар хайвонлар ва баликларнинг тасвиirlари ажойиб санъати намуналаридан. кадимиј усталар мураккаб накшларни усимлик ва хайвонларнинг тасвиirlаридан олиб солиштириб ишлаганлар.

Илк урта асрлардан бошлаб ганчкорлик санъати яна хам ривожланди. Моварауннахрда ганчкорлик меъморчиликнинг асосий безак даражасига кутарилиб, улардан афсонавий хайвонларнинг тасвирини хам учратамиз. Айникса, Жунубий Узбекистонда урганилган макбараларнинг интеръери, девор пештоклари, равоклари нихоятда нафис уйма накшлар билан безатилган. Масалан XII асрда Термиз макбараларида янгича услуг ишлатила бошлаганлиги, яъни мукарнаслар (стилактитлар)нинг пайдо булиши ва купгина биноларда кулланилиши ганчкорликнинг усганлигидан далолат беради. Ганчкорликнинг гуллаб-яшнаши XVIII-XIX аср бошларига тугри келади. Бу соҳада Узбек усталарида айрим минтакага хос бадиий услуг ва белгилар сакланиб колган. Улар узига хос уймакорлик мактабларини яратибгина колмай узаро тарихий давр жихатидан хам фаркланадилар.

Бизнинг асримизга келиб ганчкорлик санъатида майда рельфли, нозик ва рангли текис фонда ясалган меъморчилик намуналари кенг таркала бошлаган. хозирги даврда бинокорлиқда купрок безакли рангли гуллар ва расмлар билан ганч уймакорлигини биргаликда ишлашга харакат килинмоқда. Усталарнинг мохирлиги туфайли кичик корхоналарга, майда, текис уймакор ва унга хос пардоз тури, катта хоналарга эса йирик ёйма, узига хос накшлар берилади. Ганч уймакорлигига йирик уйма, ясси уйма, кирма, замин куз гулли уйма, замин рангли уйма, чизма пардоз, занжирли хажмдаги уйма каби услублар хозиргача ишлатилмоқда.

Бинокорлик (меъморчилик) да ишлатиладиган анъанавий орнамент геометрик ва усимлик шаклида. Машхур бадиий ганчкор усталардан Узбекистон Фанлар Академиясининг фахрий аъзоси, Республикада хизмат курсатган санъат арбоби Ширин Муродов, Халкаро мукофотлар совриндори, Узбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби Абдулла Болтаев, элга катта хурматга сазовор булган мохир усталар Тошпулат Арслонкулов, Усмон Икромов, Анвар кулиев, Шамсиддин ўофуров, кули Жалилов, Узбекистон Фанлар Академиясининг фахрий аъзоси Юсуф Али Мусаев, ва бошкалар яратган уймакорлик ва меъморчилик санъати халкимизнинг табиий бойлигидир.

Ёгоч уймакорлиги хам Узбекистоннинг барча вилоятларида кенг таркалган ёгоч уймакорлиги намуналари илк урта асрларга оид Сурхондарё воҳасидаги Юмалок тепадан, Бухоро, Хива, Самарканд, Шахрисабз ва бошка жойлардаги казилмалардан топилган. IX-X асрларда урта Осиё, шу жумладан Узбекистондаги ёгоч уймакорлиги яна хам ривож топди. Бу даврда хослик шундан иборат эдики, уймакор усталар яратган накш заминида қандайдир рамзий маъно, эзгу тилак, орзу ва гузал ниятлар ифодаланган.

Анъанавий наккошлиқ ноёб бадиий санъати турларидан бири тош ва суюк уймакорлиги хисобланади. Бу санъат халк орасида тоштарошлиқ деб хам айтадилар.

Эрамизнинг биринчи асрларига оид обидалар (Фаёз тепа, Айрим том, кортепа, Тупрок калъа)да харсанг тош ва мармардан безак ишларида кенг

фойдаланилган. Айникса урта асрларда тоштарошлиқ юксак даражада ривожланиб такомиллашган.

Кулолчилик Узбекистоннинг хамма жойида учрайди. Аммо бадий буюмлар яратишида энг йирик марказлардан Риштон, йиждивон, Шахрисабз, Хива, хонка, Самарканд, Тошкент кадимдан машхур булган. Риштон кулоллари яратган сирли идишлари ва сопол идишлари узининг нозик ва мураккаб накшлари, буёклар коларити, айникса, очик кук кабольти ва феруза рангли бир неча оханглилиги билан ажралиб туради.

Чунки идишлар урта Осиёда якин даврлардан ишлаб чикила бошлаган. Узбекистонда кечки феодализм даврида пайдо булган чиннисозлик хозир тез суръатлар билан ривожланиб, анъанавий бадий санъати намуналарни яратишида давом этмоқда.

Заргарлик санъати айникса Бухоро ва Хивада машхур булган. Бизнинг давримизгача етиб келган мухим амалий санъатларидан бири тукимачилик ва каштацилиқдир. Бу соҳа Маргилон, Бухоро, Самарканд, карши, Китоб, Хива, Тошкент каби шахарларда ривожланган. Бадий каштацилиқ, читгарлик атлас тукиш санъати узок даврлардан сакланиб келмоқда. Дуппи каштацилиги Узбек халкининг гурури хисобланади. Зардуштийлик, гилам тукиш, кигиз босиши амалий санъати хам кенг таркалган.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР.

1. И.Жабборов. Узбек халк этнографияси Т- 1996 .
2. И.Жабборов. Жаҳон халклари этнографияси Т- 1996.
3. Архив.уз